



## Ислом Нури

Аввал энг муҳим намозлардан бўлмиш витр намози ҳақида сўз юритамиз. У энг кучли нафл намозлардан бўлиб, ҳатто баъзи уламолар уни вожиб ҳам деганлар. Маълумки, вожиблиги ҳақида ихтилоф қилинган нарса вожиб эмаслиги аниқ бўлган нарсадан кўра таъкидлироқ бўлади.

Мусулмонлар витрнинг машруълигига иттифоқ қилганлар, уни тарк қилиш яхши эмас. Витрни давомий тарк қилувчи кишининг гувоҳлиги ўтмайди. Имом Аҳмад раҳимахуллоҳ айтади: «Ким витрни қасддан тарк қилса, у яхши одам эмас, унинг гувоҳлиги қабул қилинмаслиги керак» (Ал-муғний: 2/594).

Имом Аҳмад (5/357, №23019) ва имом Абу Довуд (1419) марфуъан ривоят қилган ҳадисда айтилишича: «□□□□□□□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□» **«Витр ўқимаган одам биздан эмас».**

Витр – ўзидан олдинги ракъатлардан ажралган тоқ – яъни, бир ракъатли ёки (агар бир салом билан ўқилган бўлса) уч ракъат, беш ракъат, етти ракъат, тўққиз ракъат, ўн бир ракъатли намознинг номидир. Агар ушбу ракъатлар икки ва ундан ортиқ салом билан ўқилган бўлса, витр охирида алоҳида ўқилган тоқ ракъатдир.

Витрнинг вақти хуфтон намозидан сўнг бошланиб, то тонг пайтигача давом этади. «Саҳиҳайн»да Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Росулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам витрни туннинг барча қисмида, аввалида ҳам, ўртасида ҳам, охирида ҳам ўқийверганлар. Витрларининг охири саҳарга борарди» (Бухорий (996), Муслим (745) ривоятлари).

Туннинг хуфтон намозидан кейинги барча қисми витр вақти бўлишига



## Ислом Нури

далил бўлувчи кўп ҳадислар келган. Ким туннинг охирида тура олишига ишонса, витрни туннинг охирига кечиктириши афзал. Ким туннинг охирида тура олишига ишонмаса, ухлашдан олдин витр ўқиб олади. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи ва саллам шунга васият-насиҳат қилганлар. Имом Муслим Жобир розияллоҳу анҳу ривояти билан келтирган ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтганлар: **«Қай бирингиз туннинг охирида тура олмай қолишидан кўрқса, витрни ўқиб, кейин ухласин. Ким туннинг охирида туришига ишонса, витрни туннинг охирида ўқисин. Чунки, кечанинг охиридаги намоз (фаришталар) ҳозир бўладиган намоздир. Мана шуниси афзалдир»** (Саҳиҳ Муслим: 755).

Витрнинг энг ози бу ҳақда келган ҳадисларга кўра ва ўн нафар саҳобалардан собит бўлганига кўра, бир ракъатдир. Лекин, ундан олдин жуфт ракъат ўтган бўлиши афзал ва яхшироқдир.

Витрнинг энг кўпи ўн бир ракъат ёки ўн уч ракъат бўлиб, икки ракъат - икки ракъатдан ўқийди, сўнг охирида бир ракъат билан витр қилади. Чунки, Оиша розияллоҳу анҳо айтганлар: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда ўн бир ракъат ўқирдилар, ундан бир ракъатини витр қилардилар» (Имом Муслим (736) ривояти). Бир лафзда: «Ҳар икки ракъатда салом берардилар ва бир ракъат билан витр қилардилар» (Имом Муслим (736) ривояти). Намозни ташаҳҳудга ўтирмай давом эттириб кетавериши ва охири ўн ракъат бўлганда ўтириб, ташаҳҳуд ўқиб, салом бермасдан туриб кетиб, ўн биринчи ракъатни ўқиб, сўнг ташаҳҳуд ўқиб, салом бериши ҳам мумкин. Шунингдек, намозни ўтирмасдан давом эттириб, охирида, ўн биринчи ракъатни ҳам ўқигач, сўнг ташаҳҳуд ўқиб, салом бериши ҳам мумкин. Биринчи кўринишда ўқиш афзалроқ.





## Ислом Нури

«Аллоҳуммаҳдиний фийман ҳадайти, ва аафиний фийман аафайти, ва тавалланий фийман таваллайти, ва барик лий фиймаа аътойти, ва қиний шарро маа қозойти, иннака тақзий ва ла юқзо алайка, иннаҳу ла язиллу ман ваалайти ва ла яиззу ман аадайти, табарокта Роббана ва таъалайт» дейиш мустаҳабдир (Абу Довуд (1425), Термизий (464), Насоий (1745), Ибн Можа (1178) Ҳасан ибн Алий розияллоҳу анҳумодан ривоят қилганлар).

Маъноси: «Эй Аллоҳ! Мени ҳидоят этган кишиларинг қатори ҳидоят этгин. Офият (соғлик, тўғрилиқ) ато этганларинг қаторида офият бергин. Яқин тутганларинг қаторида мени ҳам Ўзингга яқин этгин. Ато қилган нарсаларингни мен учун баракотли этгин. Қазо-ҳукм этган нарсаларинг ёмонлигидан мени асрагин. Албатта, Сен ҳукм этасан. Сенга (қарши) ҳукм этилмас. Сен дўст тутган киши хор бўлмас ва Сен душман тутган киши азиз бўлмас. Парвардигоро! Сен баракотли-буюк ва олий Зотдирсан».